

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

**ҚИЗ ТАЛАШГАН
ЎСМИРЛАР**

(САРГУЗАШТ РОМАН)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

УДК: 821.512.133

84 (5 Ўзб)7

Т-99

Тўхтабоев Х. Қиз талашган ўсмирлар /Роман. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. –176 б.

Муҳаббат одамни не йўлларга бошламайди, дейсиз?! Айниқса, у балоғат ёшида ҳаётингга кириб келса! Таассуфлиси, бундай пайтда негадир, албатта, учинчи одам пайдо бўлади. Худдики, бу ишқ-муҳаббат қонуниятидек! Начора, жон куйдирмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда! Олимжон билан Бексултон ўзлари севган қизларнинг висолига етиш учун ҳар ишга шай, керак бўлса, тоғни талқон қилиб беришмоқчи! Уларнинг тенгқурлари ҳам ҳақиқий ошиқлар. Қизлар ҳам қолишмайди. Ҳурлиқо қаҳрамонларимиз Зулхумор ва Ойсулув, уларнинг дугоналари севгида собит...

Хуллас, бу қаҳрамонлар билан боғлиқ кечмишлар китобхонни ҳаяжонга, таҳликага, чуқур ўйга солади.

ISBN 978-9943-08-653-1

© Худойберди Тўхтабоев, «Қиз талашган ўсмирлар». «Янги аср авлоди», 2010 йил

МУҲАББАТ МАВСУМИ

1-қИСМ

I боб

Аллоҳ бу юртга мустақиллик деган неъматни ато қилгандан буён бир томони адирли тоғларга, яна бир томони чўлларга улашиб кетадиган Тағоб қишлоғида уйқусираб ётган инсонлар бирдан уйғонгандек бўлди. Тадбиркорлик, фермерлар ҳаракати, хусусий ишбилармонлик дейсизми, шунақа авж олиб кетдики, таърифлашга сўз ҳам ожизлик қилади. Йигитлар белини маҳкам боғлаб, қўлига тупуриб, имконият ахтаришга тушган, аёллар қозон-товоқни йиғиштириб бозорга югурган, кампирлар эски-туски қуроқдан якандозлар ясаб пуллашга киришган, чоллар эски мис қумғонни чегалатиб харидор ахтарган, вой-бўй, ўсмирлару бўйи етган қизларни айтмайсизми! Биттаси велосипед тузатадиган устахона очиб, устахонасига бузуқ велосипед келмай жиғибийрони чиққан, биттаси ўн иккита бузоқ боқиб, бузоқлари семириб, сотилиб кетгунча эркаги қанақа бўлади-ю, урғочиси қанақа бўлади, ана шуни билмай қолган, билмагани учун ўзини эмас, дадасини айблаб юрган. Тўққизинчи синфни битиргунча фақат аъло баҳоларга ўқиган Қумриниса қизалоқларга кўйлак, кофта тикаман деб олдирган машинаси ип чайнаётгани учун Америкаю, Хитою, Японияга, машиналаринг сифатсиз экан, деб тўхтамай хат жўнатиб турган.

Лекин қишлоқнинг кўпчилик ўсмирлари ҳали уйқуда, бир хиллари мудраб ҳам юришибди. Қобил деган шўх, шаддод ўсмирнинг онаси у кун бўйи тўп тепиб юравергани учун қулоғидан чўзиб, «вой, болам, сен қачон одам бўласан», деб йиғлаган эмиш. Қишлоқ марказида очилган

пуллик компьютер хонасида кўзини лўқ қилиб, қулоғини динг қилиб, олти соатлаб ғалати-ғалати томошалардан бошини кўтармайдиган бир боланинг дадаси эшикдан кириши билан деразадан ташлаб қочган эмиш.

Хуллас, қишлоқда қизиқ-қизиқ гаплар, миш-мишлар, ҳақиқатга яқин келадиган воқеалар кўп. Расулжон деган мияси яхши ишлайдиган бир ўсмир ғалати кашфиёт яратибди. Тоғ томондан тўрт-бешга бўлиниб, жилдираб қўшиқ айтиб тушадиган булоқ сувини бирлаштириб, шовуллаб тушадиган ҳолатга келтириб, қўлбола тегирмон ясаб олибди, бутун қишлоқ унга қойил қолибди. Бева онаси икковлари ҳозир тегирмончилик қилишаётган эмиш. Яна қизиқ гаплардан бири шуки, бир ўсмир йигитча уришқоқ хўрозларга ишқибоз экан. Тушига нуқул даканг хўроздан ҳам новчароқ хўрозлар кираркан. Тошкентга, Уругвай деган мамлакатнинг элчихонасига бориб, «сизларда уришқоқ хўрозлар кўп бўларкан, кинода кўрдим, уч марта кўрдим, ўз кўзим билан кўрдим, менга ўша хўрозлардан олишимга ёрдам беринг», деб ёлворибди. Эҳтимол, кўз ёши ҳам қилгандир. Элчи жаноблари аввалига роса кулибди, қотиб-қотиб кулибди, чунки Уругвай Уругвай мамлакати номини олганидан буён ҳеч ким бу мамлакатга хўроз сўраб мурожаат қилмаган экан. Жаноби элчи кула-кула рози ҳам бўлиб, янги йил арафасида олтин қафасга солинган кеккайиб турган, бўйдор хўрозлардан олтитасини ўсмирнинг уйига етказиб берибди. Ўсмир бу хўрозлардан беш-ўн кун завқланибди, ниҳоят, Тағобдаги хўрозларни уришишга қўйган экан, чатоқ бўпти, жуда чатоқ бўлибди. Уругвай хўрозларидан бирортаси ҳам уришмай қанотини ёзиб, Тағоб хўрозларини олдига тушиб қочаверибди, қочаверибди. Ўсмир йиғлагудек бўлиб:

– Йўқ-йўқ, мен Уругвай мамлакатидан эмас, Парагвай мамлакатидан хўроз сўрагандим, – деб яна йўлкирага онасидан пул олиб, Тошкентга жўнаб кетган эмиш.

Хуллас, Тағоб қишлоғида ана шундай қизиқ гаплар жуда кўп. Жуда-жуда кўп. Йигирматасини қўйин дафтаримга ёзиб ҳам олдим. Лекин шу қизиқ гаплардан

биттасини шунақа таърифладиларки, оқловчи, қораловчи сўзларни шунақа кўп айтдиларки, ҳаммасини ёзиб олай десам, дафтаримда жой етмай қолди.

Бир қарасангиз, мақтанчоқ эмиш, бир қарасангиз, жуда-жуда сипо, камтар эмиш, бир кун тенгқурлари билан курашга тушса, эртасига дадаси билан бирга бориб ашула айтармиш. Шунақанги бир сўзли эканки, айтган сўздан ҳеч қайтмасмиш. Лекин ўзиям ғоят кўркам, ғоят гўзал бир йигитча бўлиб етишаётган эмиш. Эҳтимол шунинг учундир, бу йигитчани бир йўла бешта қиз севиб қолган эмиш. Биттаси, «Мен уни бешинчи синфдалигимда танлаганман, қайси қиз унга сал яқинлашса, сочини битталаб юлиб, бошига ўраб қўяман, тақир бошига қатиқ суртиб, қизлар ўртасида шарманда қиламан», деган эмиш (қаранг, қиз бола ҳам шунақа гапларни айтаркан-да); битта қиз, дадам сени Йўлдошхондан бошқасига бераман деса, гапни кўпайтириб ўтирмайман, ўзимни дарёга ташлайман, деган эмиш. Учинчи бир қиз эса ҳаммасидан ҳам қизиқроқ гапни айтибди: «биз келажакда Йўлдошхон билан турмуш қурамиз, турмуш қурамиз-у, дарҳол Тошкентга кўчиб кетамиз, кўчиб кетаётганда Йўлдошхон акамнинг боғидан уч юз туп анжир кўчати ҳам олиб кетиб кўпайтириб, бутун Тошкентга анжир сотамиз», деган гапларни ўйлармиш-у лекин ўйлаганларини ҳеч кимга сездирмас эмиш. Тенгқурларига қараганда хиёл новчароқ, тик қоматли, буғдой ранг юзли, юзи-қўзлари ловуллаб ёниб турадиган Йўлдошхон эса бу гапларга унча парво қилмас эмиш. Ўзи хийлагина ҳазилкаш эмасми, ҳазилнамо қилиб «мен сочидан қатиқ ҳиди келиб турадиган қишлоқ қизларини эмас, сочини калта кестирган, бутун борлиғидан атир, упа ҳиди уфуриб турадиган шаҳар қизларига уйланаман», деб хохолаб кулармиш. Унинг кулгуси шундай самимий, шундай беғубор ва гоҳо шундай қаттиқ ҳам бўларканки, астойдил кулса, дарахтларга қўнган қушлар гуруллаб учиб кетармиш.

II боб

Эски, шалоғи чиққан, нечанчи йилда дунёга келганлигини ҳам билиб бўлмайдиган «Жигули» русумли уловда икки ўсмир шаҳардан қайтяпти. Машинанинг юкхонаси, орқа ўриндиги бир литрлик, икки литрлик шиша банкаларга лиммо-лим тўла, банкалар шақир-шуқир қилиб «ашула» айтиб келяпти. Ашулага юкхонадаги олтита бўш тоғора ҳам жўр бўлгандек галати-галати овозлар чиқариб борапти.

«Жигули» афтидан бензинни яхши бермаётганга ўхшайди, сакраб-сакраб келяпти. Лекин бу сакраб келаётган «Жигули»нинг ўзига хос ажойиб фазилатлари бор. Масалан, орқа ўриндиққа уч киши ўрнига беш киши ўтирса ҳам ғинг демай тортаверади, орқа филдирагидаги баллонлари гоҳ дамсиз бўлиб қолса ҳам, моторида мойи тугаб қолса ҳам «тутун қайтармай» юраверади. Энг муҳими бу эмас, муҳими шуки, йўл ҳаракати бошқаруви нозирини ола таёғини қўлига олиб орқасидан қувса ҳам, барибир етолмайди. Бечора нозир таёқчасини ўқталиб, «шошмай тур, сени барибир қўлга тушираман», деб қолиб кетаверади.

Ана шу антиқа «Жигули»да икки киши келяпти. Рулдагиси ҳозиргина, бешта қиз унга ишқибоз бўлиб қолган эмиш, деб таърифлаганимиз шу йил баҳорда ёш фермерлар кўрғазмасида иштирок этиб, «Энг ёш фермер» деб диплом олган Йўлдошхон бўлади. Унинг ёнгинасида эса ферманинг ҳисобчиси, барча ишлар бўйича ана шу Йўлдошхоннинг ёрдамчиси бўлмиш Зулхумор келяпти. Икковлари ҳам ўз хаёллари билан банд. Олти тоғорада анжир олиб боришган эди. Анжирлар кўз юмиб очгунча пул бўлди. Зулхумор, эҳтимол, шу пулларни ҳисоблаб бораётгандир. Эҳтимол анжиримизнинг шиғил пишган ҳосилини энди бошқа бозорларга чиқарсак бўлармикан, деб ўйлаб бораётгандир. Зулхумор, эҳтимол, ҳаммаси бўлиб беш қизу беш ўсмирдан иборат фермадаги ишларнинг эртанги режасини тузиб бораётгандир.

Хуллас, бу қиз бошқаларга қараганда фермага қаттиқ берилгани учун Йўлдошхон ўзига ўринбосар қилиб олган. Эҳтимол, қишлоқдаги бошқа фермер йигитчалар унга кўз олайтирмасин, яқинроғимда бўлсин, деб шу хаёлга боргандир. Кегин Зулхуморнинг тўлиб-тошиб бораётган ҳусни жамоли вақти-вақти билан бу йигитчани ўзига тортар, баъзан маст ҳам қилиб қўярди. Эҳтимол, ана шу қувончли дақиқалар ҳамиша менга насиб бўлиб турсин, деб бу қизни ёнига олгандир. Қизнинг тўлишиб бораётган ҳусни латофати қишлоқдаги ўзга йигитчаларнинг ҳам эътиборини тортган бўлиши керак. Эҳтимол, Йўлдошхон, бу гўзал қиз мен билан бирга, деб мақтаниб юриш учун ҳам унга катта-катта ишонч билдираётгандир. Эҳтимол, Зулхумор туманга машҳур бўлган қаттиққўл прокурорнинг қизи, бир кунмас бир кун унга ишим ҳам тушиб қолар, деб ўйлагандир. Хуллас, бу ўсмир йигитчанинг ҳам, бу ўсмир қизнинг ҳам ўйлаганлари кўп. Нима бўлганда ҳам икковлари ҳозир шаҳардан ширин-ширин хаёлларга берилиб қайтишяпти. Анжирлари яхшигина пул бўлди, шунинг гаштини суриб келишяпти.

Анжирларидан бир қисмини кўтарасига олган нотаниш аёл ёқимтойгина, ширинсўзгина экан. Гап орасида ўзга юртдаги шаҳарда бир дона анжир бир қовун баҳосида пулланыпти, деган гапни айтиб юборди. Атайлаб айтдими, билмасдан айтиб юбордими – бу ёлғиз Аллоҳнинг ўзига маълум. Ҳарқалай шу гапни айтди у. Фермернинг ҳам, тадбиркорнинг ҳам кўзи ўткир, қулоғи динг бўлади, бурни ҳам яхши ҳид олиши керак, дейдилар. Ёқимтойгина аёл эътиборсизгина бўлиб сўзлаётганида Йўлдошхоннинг қулоғи динг эди.

– Опа, қайси шаҳарда анжирнинг баҳоси юқори бўлади? – деб сўради у.

– Айланай, менинг катта қизим ўша шаҳарда яшайди. Мана шу анжирларингизни шиша банкага жойлаб, ўша ёққа жўнатиб тураман. Эсингиздами, айланай, ўтган йили ҳам анжирингиздан олувдим. Вой, бирам ширин эканки, бирам набираларим мазза қилишдики, ҳаммасининг

томоғида ангина бориди, ангинасини ҳам анжирнинг шираси тузатиб ташлади.

– Сиз айтган шаҳар узоқми?

– Узоқ ҳам гапми, тупканинг тагида.

– Анжирни шиша банкада эмас, қутиларга жойлаб сотса ҳам етадимми?

– Бунисини мен билмайман, лекин етмаслигини биладиганлардан сўранг, айланай... Анжирингиздан ҳали кўпми?

– Боғимиздаги анжирлар шиғил пишди ҳозир.

– Қорасидан ҳам борми?

– Бор, айланай, опа, бор, носқовоқ нухасидан ҳам, бармоғ нухасидан ҳам, ҳаммасидан ҳам бор, ҳаммаси шиғил пишди.

Гап тадбиркору фермернинг кўзи ўткирлиги, қулоғининг динг бўлишида ҳам эмас, балки косанинг тагида ним косаси борлигини, эшитганини тезроқ ҳазм қила олишида ҳам бўлса керак. Бир дона анжир битта қовунга тенг баҳода пулланадиган бўлса, мен ўша бозорни тезроқ эгаллашим керак, дея ўйлай бошлади Йўлдошхон. Шошаётганининг сабабидан яна бири шуки, анжирзор боғида ёши саксонларга бориб қолган, шу боғнинг ҳам қоровули, маслаҳатчиси, ҳам ёш йигитчаю қизларнинг тарбиячисидек бўлиб ишлаётган Қобил бобога тезроқ рўпара бўлиши керак. Кўпинча бобонинг маслаҳати қўл келади унга. Унинг гапи билан ютқазай-ютқазай деб турган ўйинни ютиб олаверади.

Колхозлар замонидан қолиб кетган катта ҳовуз бўйидаги, баланд кўтарилган лой супада, уринибгина қолган тўшак устида ёнбошлаб, ҳўплаб-ҳўплаб кўк чой ичаётган бир ҳолатда экан, бобо шошмасдан ўрнидан турди.

Йўлдошхон бозорда эшитган гапини шошилиб айтди, Зулхумор унча-мунча қўшимча ҳам қилиб турди. Ҳозир анжирзорда уч тоннадан ортиқ етилган мева бор, уларни қадоқлаб ҳам, банкага солиб ҳам бўлмайди, кўтарасига сотиш керак.

– Болам, анжирни кўтарасига сотайлик деб келдиларингми? – шошмасдан сўради бобо.

– Бошқа иложимиз йўқ, бобожон.

– Ҳой Зулхумор қизим, сен кўпинча доно маслаҳатлар берасан. Айт-чи, анжирни кўтарасига сотсанглар бўладими?

– Бобожон, менинг фикрим шундай: қизлар ҳам келсин, ўғил болалар ҳам келсин, овозга қўяйлик.

– Лекин барибир ақллисан-да, прокурорнинг қизи, берироқ кел, бошингни бир силаб қўяй, – деб қизнинг бошидан силаб қўйди Қобил бобо. – Худога шукр, Йўлдошхонга сендек ақлли ёрдамчини рўпара қилганига шукр.

III боб

Ферма аъзолари бор-йўғи тўрт қизу тўрт йигитчадан иборат. Ҳаммалари яқиндагина 9-А синфнинг аълочи ўқувчилари эди. Бир-бирига гап бермай, бир-бирини туртиб-суртиб юрган, ерга урсанг, осмонга сакрайдиган, шўх-шаддод болалар-у озода кийиниш учун бир-биридан ўтаман, деб юрган қизлар эди. Қаранг, бугун вилоятдаги энг ёш фермер Йўлдошхон фермернинг аъзолари бўлиб қолишди-я! Зудлик билан ҳаммалари йиғилишди. Ишга десанг сустроқ келишарди-ю мажлисга десанг, мана шунақанги югуриб келишарди. Йўлдошхон уларга сўз бериб ўтирмади. Сўз берсанг, синф мажлисига айлангириб юборишади. Вой, бу гапга чечан қизлар, ҳар бири анжирзорни мен яратдим, деб кўкрагига уриб гапирадиган йигитчалар!

– Анжирнинг пишган қисмини қўшни юртга сотмоқчиман, – деб гап бошлади Йўлдошхон. – Менинг ўрнимга Зулхумор раҳбар бўлиб қолади, ким унинг гапини қайтарса ишдан ҳайдайман. Тонг пайтида ҳамманг челагингни кўтариб келаверасан, ҳашарчиларни ҳам айтинглар. Челагига минг сўмдан бераман.

Ҳайитвой деган бола калласи каттароқ жуссасаси ҳам

йирик бўлгани сабабли тенгқурлари уни Ҳайит полвон деб чақирришади. Полвон ўрнидан туриб:

– Бир ўзинг кетяпсанми? – деб сўради.

– Бир ўзим кетяпман, – деган жавоб қайтди.

– Мени ҳам олиб кетасан, умримда чет элга бормаганман.

– Ўтир, бундан кейин гапирмоқчи бўлсанг, қўл кўтариб гапир.

– Хўп, мана қўлимни кўтардим. Зулхуморни ўрнингга қолдирмоқчимисан?

– Албатга, у ҳамма ишлар бўйича менинг ўринбосарим.

– Зулхуморни ўрнингга қўйма, ўғил болалардан тайинла. Зулхумор пулнинг кўпини қизларга беради, ҳалол эмас, қизларга қош қаламга, атир–упага, лабига суртадиган бўёқларга, деб биз қийинчилик билан топаётган пулнинг ярмини ўшаларга беряпти. Меҳнатни биз қилайлик-да, ҳузурини қизлар кўрсинми?

Йўлдошхоннинг қовоғи уйилди, аччиқроқ бир гап айтгиси келди-ю лекин юзига негадир табассум югурди:

– Ҳайитвой, сен ҳам лабинга бўёқ суртмоқчимисан?

– Мен бўладиган гапни айтяпман.

– Айт, сен ҳам юзинга упа суртмоқчимисан?

Бунақа йиғилишлар фермада тез-тез бўлиб туради. Фикрларнинг бўлиниши, бир-бирларини тасдиқламаслик ҳам юз беради. Йўлдошхон аслида қўшни юртга бориш масаласини ўртага қўймасам ҳам бўлади, деб ўйляпти. Зулхумор, гарчи сўзда Йўлдошхоннинг ёнини олаётга бўлса ҳам, майли, чет эл савдосини йўлга қўяйлик, деб айтаётган бўлса ҳам, аслида, Йўлдошхоннинг ўша юртга боришини чин дилдан қутлаётгани йўқ. Қизиқ, Зулхуморнинг наздида Йўлдошхон содда, гўл, ҳамма уни алдаб қўяётгандек туюлаверади. Шунинг учун Йўлдошхоннинг ҳар бир ҳаракатига фикр айтади, мендан нари кетмайсан, бемаслаҳат иш қилмайсан, деган бир ҳолатда бўлаверади. Нима экан бу, яхши кўришми, эҳтиёт қилишми ёки ишонмасликми? Овозга тўпланганлар ҳам ғалати-ғалати фикрни бошларидан ўтказишяпти.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1545> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1545> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1545>